

Асосий иқтисодий күрсаткичлар

| | Млрд. сўм | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|---------------|--|
| Ялпи ҳудудий маҳсулот | 2781,0 | 107,8 |
| Саноат маҳсулоти | 2209,5 | 108,5 |
| Истеъмол товарлари | 1285,7 | 108,8 |
| Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 429,2 | 106,8 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 588,0 | 104,1 |
| Курилиш ишлари | 496,8 | 112,1 |
| Юк айланмаси млн. тн-км | 350,5 | 108,8 |
| Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км | 965,9 | 105,7 |
| Чакана товар айланмаси | 1813,4 | 112,6 |
| Хизматлар, жами | 1421,6 | 111,9 |
| Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл. | 215,1 | 122,5 |
| Экспорт | 53,2 | 133,7 |
| Импорт | 161,9 | 119,2 |
| Сальдо (+;-) | -108,7 | x |

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-мартида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 2781,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 107,8 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 109,9 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуидагича ифодаланади:


| | млрд.сўм | | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида |
|--|---------------|---------------|--|
| | 2016 йил | 2017 йил | |
| I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами | 2345,8 | 2781,0 | 107,8 |
| шу жумладан: | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2262,3 | 2698,5 | 107,9 |
| Маҳсулотларга соғ соликлар | 83,5 | 82,5 | 107,1 |
| II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2262,3 | 2698,5 | 107,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 146,2 | 166,8 | 106,8 |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) | 822,3 | 980,7 | 107,2 |
| Саноат қурилиш | 645,4 | 758,3 | 105,8 |
| Хизматлар | 1293,8 | 1551,0 | 108,4 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 280,4 | 340,7 | 111,6 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 232,1 | 272,4 | 110,1 |
| бошқа хизматлари | 781,3 | 937,9 | 106,8 |

Январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



- █ Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- █ Махсулотларга соғ соликлар
- █ Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- █ Саноат (курилишни қўшган ҳолда)
- █ Хизматлар

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (112,1%), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (111,6%) ва ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (110,1%) тармоқларидағи ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 67,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-мартига нисбатан 0,2 фоизли бандга ошди.

2017 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 57,5 фоиз (2016 йил январь-мартида 57,2 фоиз)ни ташкил қилди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 58486 тани ташкил қилиб, шундан 42251 таси ёки 72,2 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5151 та (8,8 фоизи), саноат 3651 та (6,2 фоизи), курилиш 1848 та (3,2 фоизи) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1220 та (2,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади


2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуидагича тақсимланади:

| Жами | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|------------------------|------------------------------|----------------------------|------------------------------|
| | бирлик | якунга нисбатан фоизда | бирлик | якунга нисбатан фоизда |
| Жами | 58486 | 100 | 42251 | 100 |
| шу жумладан: | | | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 37872 | 64,8 | 22887 | 54,2 |
| Саноат | 3651 | 6,2 | 3423 | 8,1 |
| Курилиш | 1848 | 3,2 | 1642 | 3,9 |
| Савдо | 5151 | 8,8 | 4749 | 11,2 |
| ташиш ва сақлаш | 666 | 1,1 | 623 | 1,5 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1220 | 2,1 | 1158 | 2,7 |
| ахборот ва алоқа | 397 | 0,7 | 363 | 0,9 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 770 | 1,3 | 762 | 1,8 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 6911 | 11,8 | 6644 | 15,7 |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,6 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 9,3 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар ва 82,8 фоизи бошқа корхоналар улушкига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуидагида тақсимланади:

2017 йил 1 апрель ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз хисобида




2017 йил январь-мартда жами 2656 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари –1283 та). Уларнинг асосий қисми Самарқанд шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (14,4 фоизи)), Пайариқ (11,6 фоиз), Ургут (11,0 фоиз), Каттақўрғон (10,7 фоиз), Иштихон (8,1 фоиз) ва Оқдарё (6,8 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 13,4 фоизи саноат, 10,7 фоизи савдо ва 4,1 фоизи курилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1356 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 74 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 5,5 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қўйидагича ифодаланади:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 16426 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 67,9 фоизи (2016 йил январь-мартда 67,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1249,8 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 84,3 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 1013,9 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 235,9 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар хиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1335,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 60,4 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 110,9 фоизни ташкил қилди;

- 404,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) бўлиб, ўсиш суръати 106,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 94,1 фоизи) ташкил қилди.

- 391,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 66,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 113,2 фоизга ўсади;

- 226,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,4 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан 60,6 фоизни ташкил қилди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 108,3 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 96,6 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 108,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 89,7 фоизи) таъминланди;

-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 93,9 фоизи ёки 1703,3 млрд. сўми (ўсиш 115,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равища 71,5 фоизи ёки 1017,1 млрд. сўми (ўсиш 110,3 фоиз) шакллантирилди;


- 45,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 85,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди ҳамда 100,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 62,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши кўйидагича ифодаланади:

| | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм | Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида |
|------------------------------------|--|--|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 404,0 | 94,1 |
| Саноат | 1335,0 | 46,1 |
| Курилиш | 226,7 | 95,4 |
| Чакана савдо | 1703,3 | 99,9 |
| Юк ташиш, млн тн. | 8,2 | 64,3 |
| Йўловчи ташиш, млн.киши | 103,0 | 91,4 |
| Экспорт, млн. АҚШ долл. | 45,4 | 8,1 |
| Импорт, млн. АҚШ долл. | 100,9 | 13,7 |

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ташқи иқтисодий алоқалар


2017 йилнинг январь-мартида ташқи савдо айланмаси 215,1 млн. АҚШ долларни, жумладан 53,2 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 161,9 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси -108,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-мартида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

| | январь-март | | 2016 йил январь-марта нисбатан фоиз хисобида |
|------------------------------|--------------|--------------|---|
| | 2016 й. | 2017 й. | |
| Ташқи савдо айланмаси | 175,6 | 215,1 | 122,5 |
| шу жумладан: | | | |
| МДХ давлатлари | 49,6 | 68,8 | 138,8 |
| бошқа давлатлар | 126,0 | 146,3 | 116,1 |
| Экспорт | 39,8 | 53,2 | 133,7 |
| шу жумладан: | | | |
| МДХ давлатлари | 20,9 | 29,9 | 142,9 |
| бошқа давлатлар | 18,9 | 23,3 | 123,4 |
| Импорт | 135,8 | 161,9 | 119,2 |
| шу жумладан: | | | |
| МДХ давлатлари | 28,7 | 38,9 | 135,8 |
| бошқа давлатлар | 107,1 | 123,0 | 114,8 |

2017 йил январь-мартда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




2017 йилнинг январь-мартида вилоят экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидағи улуши, фоиз ҳисобида | | Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида |
|--|---|-------------------------|----------------------------------|
| | 2016 йил январь-март | 2017 йил январь-март | |
| Экспорт таркиби | 100 | 100 | 133,7 |
| пахта толаси | - | 0,3 | - |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 58,1 | 58,5 | 134,6 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 2,9 | 1,8 | 82,6 |
| қора ва рангли металлар | 7,5 | 1,7 | 30,2 |
| машина ва ускуналар | 2,2 | 5,7 | 3,5м |
| хизматлар | 9,5 | 9,1 | 128,0 |
| бошқалар | 19,8 | 22,9 | 154,6 |

| | Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидағи улуши, фоиз ҳисобида | Ҳажмидағи ўзгариш, фоиз ҳисобида | |
|---|---|--|---|
| | 2016 йил январь-март | 2017 йил январь-март | 2016 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида |
| Импорт таркиби | 100 | 100 | 119,2 |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 9,3 | 13,5 | 174,1 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 36,4 | 27,7 | 90,6 |
| энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари | 0,5 | 0,5 | 113,8 |
| қора ва рангли металлар | 3,9 | 3,5 | 106,8 |
| машина ва ускуналар | 40,3 | 44,0 | 130,0 |
| хизматлар | 0,3 | 0,6 | 2м |
| бошқалар | 9,3 | 10,2 | 132,5 |

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:


умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йилнинг январь-мартида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

| | Вилоят товар айланмасида улушки, фоиз ҳисобида | 2016 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида |
|--------------|--|---|
| Россия | 14,6 | 138,5 |
| Туркия | 12,4 | 159,4 |
| Қозогистон | 11,7 | 137,5 |
| Хитой | 11,9 | 134,1 |
| Украина | 1,5 | 170,6 |
| Ҳиндистон | 4,3 | 2,1м |
| Германия | 9,9 | 97,9 |
| Белоруссия | 1,6 | 198,1 |
| Ж. Корея | 2,7 | 88,9 |
| Эрон | 1,1 | 35,7 |
| Латвия | 2,4 | 117,7 |
| Япония | 4,1 | 104,7 |
| Қирғизистон | 0,7 | 199,6 |
| Нидерландия | 0,4 | 91,0 |
| БАА | 0,8 | 71,8 |
| Туркманистон | 0,5 | 32,7 |
| Афғонистон | 1,4 | 79,1 |
| Польша | 0,4 | 45,2 |
| Покистон | 0,4 | 47,1 |

2017 йил январь-мартда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуийдагича ифодаланади:



Саноат

2017 йил январь-мартда саноат маҳсулоти ҳажми 2209,5 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 108,5 фоизни ташкил этди.

Хисобот даврида 1285,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-мартига нисбатан 108,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, 559,0 млрд.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 20,6 млрд.сўмлик ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво ҳамда 706,1 млрд.сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-мартига нисбатан мос равиша 109,1 фоиз, 120,5 фоиз ва 108,2 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-март ойларида 18,8 млрд.сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш кўйидагича ифодаланади:


| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|--|---------------|--------------------------------|
| Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми | 2209,5 | 108,5 |
| Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 10,9 | 106,7 |
| улардан: | | |
| Металл рудаларини қазиб олиш | 0,2 | 101,3 |
| тоғ-кон саноатининг бошқа фаолияти | 10,7 | 106,8 |
| Қайта ишлаш саноати | 2104,8 | 108,5 |
| ундан: | | |
| Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 223,3 | 104,3 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 632,6 | 110,4 |
| Ёғоч ва пўқак буюмлар, поҳол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш | 48,1 | 106,2 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 12,4 | 107,0 |

| | млрд. сўм | ўсиш суръати, фоиз ҳисобида |
|---|---------------|--------------------------------|
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлиб чиқариш | 0,2 | 108,0 |
| Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишилаб чиқариш | 66,5 | 97,6 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишилаб чиқариш | 14,4 | 541,0 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишилаб чиқариш | 74,2 | 105,0 |
| Металлургия саноати | 2,8 | 106,3 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишилаб чиқариш ҳамда машина ва усқуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишилаб чиқариш | 330,3 | 117,5 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 79,3 | 121,0 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш | 14,3 | 116,4 |
| Истемол товарларини ишилаб чиқариш | 1285,7 | 108,8 |
| шу жумладан: | | |
| озик-овқат товарлари | 559,0 | 109,1 |
| ноозик-овқат товарлари | 706,1 | 108,2 |
| ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво | 20,6 | 120,5 |


Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қўйида келтирилган:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январь-март
2016 й.



Январь-март
2017 й.



- █ Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлам
- █ Ишлаб чиқарадиган саноат
- █ Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- █ Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндилашни йигиш ва утилизация қилиш

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)**

| | Ўлчов бирлиги | 2017 йил январь-март | 2016 й январь-мартга нисбатан % |
|--|-----------------------|----------------------|---------------------------------|
| Ишлаб чиқарадиган саноат | | | |
| Таркибида иккита таъминловчи элемент - азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар | минг тн | 10,0 | 48,8 |
| Ароқ | МИНГ.Л 100% спирт | 432,0 | 102,5 |
| Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, конъяк спиртидан ташқари | МИНГ. Л 100% спирт | 126,1 | 106,5 |
| Узум виноси | МИНГ. л | 233,4 | 58,9 |


| | Үлчов бирлиги | 2017 йил январь- март | 2016 й январь- марта нисбатан % |
|--|------------------|-----------------------------|--|
| Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари) | минг. л | 5762 | 141,8 |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | минг.тн | 37,7 | 110,7 |
| Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой noni, оғирлиги 600 г (буханка) | тн | 561,3 | 99,5 |
| Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилингандаридан ташқари) | тн | 3697,0 | 87,9 |
| Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип | тн | 407,7 | 182,8 |
| Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар | тн | 254,7 | 159,2 |
| Пахта толаси | минг тн | 31,5 | 85,8 |
| Пахта чигити | минг тн | 31,8 | 88,1 |
| Пахта тивити (линт) | тн | 1828 | 86,6 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | | | |
| Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси) | минг Гкал. | 26,7 | 73,4 |

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 429,2 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни, шу жумладан, дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 426,5 млрд. сўмни (106,8 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 2,0 млрд. сўмни (101,6 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 0,7 млрд. сўмни (119,9 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ҳосил йиғими. 2017 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 3343 тонна сабзавот (112,0 фоизга кўп) ва 323 тонна мева ва резаворлар (112,9 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,3 фоизга (жами 1443,8 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,7 фоизга (640,5 минг бош), кўй ва эчкилар 102,4 фоизга (2294,1 минг бош), отлар 100,4 фоизга (23597 бош) ва паррандалар 107,1 фоизга (9106,5 минг бошга) ўсади.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улушки 94,8 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,8 фоизни ва тухум ишлаб чиқаришда 50,6 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуидагича:

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|---------------------|----------|--------------------|
| Йирик шохли қорамол | 1443,8 | 101,3 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 64 | 101,4 |

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|--|---------------|--------------------|
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1375 | 101,2 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 4,8 | 109,1 |
| Улардан сигирлар | 640,5 | 100,7 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 22 | 100,5 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 616,9 | 100,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,6 | 106,7 |
| Қуй ва эчкилар | 2294,1 | 102,4 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 123,1 | 100,7 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1997,8 | 102,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 173,2 | 100,2 |
| Отлар | 23,6 | 100,4 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 1,4 | 101,0 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 21,6 | 100,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,5 | 115,8 |
| Паррандалар | 9106,5 | 107,1 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 1693,3 | 106,0 |

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|--|----------|--------------------|
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 4264,8 | 107,9 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 3148,4 | 106,5 |

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,2 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,4 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 96,3 ва 3,4 фоизни, кўй ва эчкилар 87,1 ва 5,4 фоизни, отлар 91,6 ва 6,1 фоизни, паррандалар 46,8 ва 18,6 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-мартда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 59,0 минг тонна гўшт (2016 йил январь-мартга нисбатан 6,3 фоизга кўп), 263,9 минг тонна сут (6,7 фоизга кўп) ва 245,7 млн. дона тухум (7,9 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қўйидагича:

| | миқдори | ўсиш суръати, % |
|--|--------------|--------------------|
| Гўшт (тирик вазнда), минг тн. | 59,0 | 106,3 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 1,2 | 104,3 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 54,7 | 106,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 3,1 | 104,9 |
| Сут, минг тн. | 263,9 | 106,7 |
| шу жумладан: | | |
| Фермер хўжаликлари | 6,8 | 105,5 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 256,7 | 106,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 0,3 | 107,0 |

| | миқдори | ўсиш суръати, % |
|--|---------|--------------------|
|--|---------|--------------------|


Тухум, млн. дона **245,7** **107,9**

шу жумладан:

| | | |
|--|-------|-------|
| Фермер хўжаликлари | 36,3 | 111,7 |
| Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 88,0 | 104,5 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 121,4 | 109,4 |

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қўйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий хажмига нисбатан фоиз хисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 29,2 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 106,7 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 6,9 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 64 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 22 минг бош сигир, 123,1 минг бош қўй ва эчкилар, 1445 бош от ҳамда 1693,3 минг бош паррандалар мавжуд.

2016 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қўйидагича ифодаланади:

| | январь-март | | | | | |
|--------------------|-------------|---|----------|---|--|--|
| | 2016 йил | | 2017 йил | | 2016 январь- марта нисбатан фоиз хисобида | |
| | トンна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | トンна | ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз | | |
| Сабзавот | 853 | 28,6 | 921 | 27,6 | 108,0 | |
| Гўшт, тирик вазнда | 1182 | 2,1 | 1232 | 2,1 | 104,3 | |
| Сут | 6483 | 2,6 | 6839 | 2,6 | 105,5 | |
| Тухум, минг дона | 32487 | 14,3 | 36303 | 14,8 | 111,7 | |
| Мева | 43 | 16,9 | 50 | 15,5 | 116,3 | |
| Қоракўл тери | 1126 | 3,1 | 1129 | 3,0 | 100,3 | |
| Балиқ | 68 | 72,3 | 84 | 73,0 | 123,5 | |

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-мартда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 588,0 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,1 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қўйида келтирилган:

| | млрд.сўм | ўсиш суръати, % | якунга нисбатан фоиз |
|--|--------------|-----------------|----------------------|
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 588,0 | 104,1 | 100 |
| шу жумладан | | | |
| Марказлашган инвестициялар: | 43,1 | 47,0 | 7,3 |
| бюджет маблағлари | 32,7 | 138,0 | 5,6 |
| давлат мақсадли фонд маблағлари | 6,7 | 13,0 | 1,1 |
| тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари | - | - | - |
| ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари | 3,7 | 25 | 0,6 |
| Марказлашмаган инвестициялар | 544,9 | 127,0 | 92,7 |
| корхоналарнинг ўз маблағлари | 151,4 | 158,0 | 26,3 |
| аҳоли маблағлари | 313,5 | 131,0 | 53,3 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 36,3 | 99 | 1,4 |
| тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 43,7 | 171 | 11,7 |
| бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар | - | - | - |

2017 йил январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

| | жами | Давлат | Нодавлат |
|---|--------------|-------------|--------------|
| Жами, млрд. сўм | 588,0 | 81,2 | 506,8 |
| шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида | 100 | 100 | 100 |
| курилиш-монтаж ишлари | 70,2 | 63,4 | 71,3 |
| машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар | 25,3 | 29,6 | 24,6 |
| бошқа ҳаражатлар | 4,5 | 7,0 | 4,1 |


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 70,2 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 25,3 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 4,5 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуидагича ифодаланади:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январь-март
2016 й.

Январь-март
2017 й.



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, бўг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирилаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Тапиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Курилиш
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-мартда умумий майдони 218,2 минг кв.м. бўлган 1339 та (2016 йил январь-мартга нисбатан 119 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 216,3 минг кв.м. (119 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 291,9 млрд. сўми ёки 49,6 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 54,3 км узунликдаги ичимлик суви, 16,0 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 91 ва 128 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 1076,5 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 385,7 млн. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-мартда 496,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 85 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 9 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва б фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шунингдек, умумий ҳажмдан 87 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 479,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96 фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 112,1 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қўйидагича ифодаланади:

умумий хажмга нисбатан фоиз хисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 9,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,0 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 350,5 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 8,8 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-март | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида |
|--------------------------|-------------------------|--|
| Ташилган юк, млн. тн | 9,7 | 111,0 |
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 9,7 | 111,0 |
| Юк айланмаси, млн. тн-км | 350,5 | 108,8 |
| шу жумладан: | | |
| автомобил транспортида | 350,5 | 108,8 |

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-мартига нисбатан 7,8 фоизга кўпайди ва 315,9 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 54,4 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 56,4 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 110,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилди. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 105,7 фоизни ва 965,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қўйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-март | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида |
|--|-------------------------|--|
| Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши | 110,7 | 104,8 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 110,7 | 104,8 |
| Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км | 965,9 | 105,7 |
| шу жумладан, автомобил транспортида | 965,9 | 105,7 |

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-мартига нисбатан 107,6 фоизга кўпайди ва 755,4 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 78,2 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 76,9 фоиз).

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 1813,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,6 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қўйидагича ифодаланади:

| | 2016 йил январь-мартга нисбатан млрд. сўм фоиз хисобида | Якунга нисбатан фоиз хисобида |
|--|--|-------------------------------------|
| Жами | 1813,4 | 112,6 |
| шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича: | | |
| давлат мулки | 0,5 | 93,0 |
| нодавлат мулки | 1812,8 | 112,6 |
| ундан фуқароларнинг хусусий мулки | 1812,8 | 159,1 |
| | | 99,97 |
| | | 99,97 |

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-мартда 110,1 млрд. сўмни ташкил килиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 78,0 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 1451,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118,8 фоизга ошган.

2017 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби қўйидагича ифодаланади:

| | 2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз хисобида | Якунга нисбатан фоиз хисобида |
|---|--|--|
| Чакана товар айланмаси | 1813,4 | 112,6 |
| шу жумладан: | | |
| савдо корхоналари | 110,1 | 78,0 |
| якка тартибдаги тадбиркорлик | 1451,7 | 118,8 |
| уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдофаолияти) | 251,6 | 101,7 |
| | | 80,0 |
| | | 13,9 |

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 34,6 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-маргта нисбатан 5,2 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 10,5 фоизга ошди ва 495,8 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-март ойиларида 410,5 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 1421,6 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 530,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 37,3 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-маргта нисбатан ўсиш 111,9 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-мартида қўйидагича ифодаланади:

| | млрд. сўм | 2016 йил январь-маргта нисбатан фоиз хисобида | якунга нисбатан фоиз хисобида |
|---|---------------|--|--|
| Жами хизматлар | 1421,6 | 111,9 | 100,0 |
| шу жумладан хизмат турлари бўйича: | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизмати | 115,1 | 114,7 | 8,1 |
| молиявий хизматлар | 138,9 | 138,8 | 9,8 |
| транспорт хизмати | 282,7 | 111,9 | 19,9 |
| шу жумладан автотранспорт хизматлари | 265,2 | 111,4 | 18,7 |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 43,6 | 112,0 | 3,1 |
| савдо хизматлари | 474,7 | 106,5 | 33,4 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар | 44,4 | 108,8 | 3,1 |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 79,5 | 107,3 | 5,6 |

| | млрд. сўм | 2016 йил январь-маргта нисбатан фоиз хисобида | якунга нисбатан фоиз хисобида |
|--|-----------|--|--|
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 24,2 | 114,4 | 1,7 |
| ижара ва прокат хизматлари | 40,5 | 110,6 | 2,8 |
| компьютерларни ва майший товарларни таъмирлаш хизматлари | 60,1 | 110,1 | 4,2 |
| бошқа шахсий хизматлар | 75,1 | 109,8 | 5,3 |
| меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 6,6 | 111,1 | 0,5 |
| бошқа турдаги хизматлар | 36,2 | 108,7 | 2,5 |

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 33,4 фоизи) ва транспорт (19,9 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (138,8 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматлари (112,0 фоиз), компьютерларни ва майший товарларни таъмирлаш хизматлари (110,1 фоиз), транспорт хизматларида (111,9 фоиз), кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар (108,8 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (114,7 фоиз) ва соғлиқни сақлаш хизматларида (114,4 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-мартида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



Демография ва мехнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3663,2 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 11515 кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуидагича ифодаланади:

| | Киши | | Хар 1000 кишига | | |
|--|---------|-----------------------|----------------------|---------|-----------------------|
| | 2016 й. | 2017 й. ¹⁾ | Ўсиш, камайиш (-) | 2016 й. | 2017 й. ¹⁾ |
| Туғилганлар | 18970 | 16966 | -2004 | 21,2 | 18,8 |
| Ўлганлар | 4434 | 4053 | -381 | 5,0 | 4,5 |
| шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан | 122 | 147 | 25 | 6,4 | 8,6 |
| Табиий ўсиш | 14536 | 12913 | -1623 | 16,2 | 14,3 |
| Никохлар | 5340 | 5881 | 541 | 6,0 | 6,5 |
| Ажралишлар | 756 | 898 | 142 | 0,8 | 1,0 |

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 16966 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (18970 киши) нисбатан 2004 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 18,8 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (21,2 промилле) нисбатан 2,4 промиллека камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Самарқанд шаҳрида (16,9 дан 14,5 промиллека), Ургут (23,3 дан 22,0 промиллека), Булунғур (23,2 дан 19,6 промиллека), Иштихон (22,4 дан 19,7 промиллека), Тайлоқ (22,3 дан 18,5 промиллека), Оқдарё (21,4 дан 19,2 промиллека), Самарқанд (21,4 дан 19,8 промиллека), Каттақўргон (22,1 дан 17,9 промиллека), Нуробод (22,1 дан 18,7 промиллека), Нарпай (20,0 дан 14,8 промиллека) ва Пастдарғом (19,1 дан 16,8 промиллека) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 4053 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (4434 киши) нисбатан 381 тага камайди. Мос равища ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-мартида 5,0 промилле).

¹⁾ дастлабки маълумот

Ўлганлар сонининг камайиши Самарқанд шаҳарда (5,9 дан 5,6 промиллега), Жомбой (4,5 дан 4,3 промиллега), Нарпай (4,5 дан 3,9 промиллега), Тайлоқ (4,1 дан 3,8 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 68,1 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 6,2 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,2 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,6 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 4,7 фоизи - баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 1,1 фоизи инфекция касалликларидан ҳамда 10,1 фоизи бошқа касалликлар билан касалланганлик сабабли вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 147 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 22,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 64,6 фоизи перинатал ўлим ҳамда 13,0 фоизи бошқа касалликлар билан касалланганлик сабабли вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 5881 та никоҳлар ва 898 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,5 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 6,0 та) ва 1,0 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 0,8 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2738 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 4136 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус 1398 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1016 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Самарқанд ш (минус 177), Пахтачи (минус 255) Пайарик (минус 221), ва Ургут (минус 149) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қўйидагича ифодаланади:

Xар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 1,0 фоизга кўпайиб, 2073,5 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,6 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 5355 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Самарқанд шахрида (798 кишига), Иштихон (454 кишига), Самарқанд (386 кишига), Пайариқ (384 кишига), Жомбой (372 кишига), Каттакўргон (367 кишига), Нарпай (336 кишига), Булунғур (324 кишига) ва Пастдарғом (322 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 4889 нафари (барча мурожаат этганларнинг 91,3 фоизи) ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Нуробод (мурожаат этганларнинг 99,5 фоизи), Пастдарғом (99,4 фоизи), Нарпай (98,2 фоизи), Пахтачи (95,8 фоизи), Самарқанд (95,6 фоизи), Каттакўргон (94,3 фоизи), Булунғур (94,1 фоиз) ва Оқдарё (93,9 фоизи) туманларида юкори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 535 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуидагича ифодаланади:

